

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АҲБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2022 йил 3 сон

43	Ўрта осиё мутафаккилари талқинида эвдемония Эшонкулова Н.А	243
44	Факторы формирования инновационного мировоззрения у молодёжи Юсупова Ф.З	249
45	Давлатлар ўртасидаги муносабатларда трансчегаравий дарёлар омили Сироғиздинов Ш. Н.	254
46	Инновацион таълимда касбий маҳоратни такомиллаштириши йўналишлари Суннатов Н.Б	263
47	Миллий ўзликни англашнинг тарихий-фалсафий асослари Суюнов Ш.Б	270
48	Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг миллий асослари Холиков Ю.О	274
49	Социал стратификация ва ижтимоий ҳамкорлик тушунчаларининг концептуал асослари Худойбердиева А.Ҳ	279
50	Мирзо Улуғбек даври мадрасаларида таълим фалсафасининг моҳияти Ҳамдамов И.А	284
51	Файласуф кадрларнинг Ўзбекистон ижтимоий тараққиётига таъсири ошириш йўллари Мухтаров У.М	288
52	Ёшлиарнинг тарбиясига ўзбек миллий рақс санъатининг таъсири Назарова И.З	294

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
 10.00.00 **ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**
 PHILOLOGICAL SCIENCES

53	Somatik lug`atdagi nominatsiya ob`yektining xususiyatlari Gadoyeva M.I	299
54	Ҳикояда фитрат образининг бадиий талқини Мансурова М.А	304
55	Artur Konan Doyl "Yo'qolgan dunyo" asarining yaratilish tarixi Kasimova R.R, O'roqova M.O'	309
56	Инглиз ва ўзбек тилидаги шахс тасвири сифатларининг грамматик имкониятлари Элмуродова Ф.Н	313
57	Linguocultural features of chinese kinship terms Nurullayeva K.Q	319
58	Икром Отамурод шеърлари поэтик синтаксисига хос айрим жиҳатлар Каримова Ш.К	323

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Nurullayeva, Kumushbibi Qudrat qizi (2020) "XITOY VA TURKIY TILLARDA QARINDOSH URUG'CHILIK ATAMALARINING QIYOSIY TAHLILLI," Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 10 , Article 48.
2. FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. S.A Hashimova, SA Nasirova, Journal of Central Asian Social Studies 2 (04), 1-10
3. Насирова, С. А. (2021). ВОЕННАЯ СИСТЕМА ДРЕВНЕГО КИТАЯ: ОБЗОР ТЕРМИНОВ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 1), 139-146.
4. 冯汉骥. 中国亲属称谓指南[M]. 上海: 上海文艺出版社, 1989. 12
5. Петрова А.С. ТЕРМИНЫ РОДСТВА В РУССКОМ И КИТАЙСКОМ ЯЗЫКАХ // В мире науки и искусства: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии: сб. ст. по матер. IX междунар. науч.-практ. конф. – Новосибирск: СибАК, 2012.123

ИКРОМ ОТАМУРОД ШЕҮРЛАРИ ПОЭТИК СИНТАКСИСИГА ХОС АЙРИМ ЖИҲАТЛАР

Каримова Шахнозахон Каримовна,

Бухоро давлат университети

Табиппай ийналишларда чет тили кафедраси ўқитувчиси

karimovashakhnoz@gmail.com

Тел: +998914412441

Аннотация – мақолада замонавий ўзбек шеъриятидаги поэтик синтаксис унсурлари – кучайтирувчи ва пасайтирувчи фигуранлар ҳақида алоҳида сўз юритилган. Мазкур мақолада шеър тузилишида бадиий тақрорларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг шеър мусиқавийлигини ва жозибасини оширишига хизмат қилиши, бундан ташқари лексик тақрорлар сирасига кирадиган анафоранинг шеърий нутқдаги вазифалари ёритилган. Хусусан, ўзбек шеъриятининг ёрқин вакили Икром Отамурод шеърлари мисолида чуқур таҳлил қилинган.

Kalit so'zlar: ўзбек шеърияти, поэтик фигуранлар, Икром Отамурод шеърияти, бадиий тақрорлар, анафора, эллипсис, сукут, инверсия, эпифора

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПОЭТИЧЕСКОГО СИНТАКСИСА СТИХОВ ИКРАМА ОТАМУРОДА

Каримова Шахнозахон Каримовна,

Преподаватель кафедры Иностранных языков в естественных направлениях

Бухарский Государственный Университет

karimovashakhnoz@gmail.com

Тел: +998914412441

Аннотация - В статье рассматриваются элементы поэтического синтаксиса в современной узбекской поэзии - усиливающие и редукционные фигуры. В данной статье рассматривается роль художественных повторов в структуре стихотворения, их роль в повышении музыкальности и обаяния поэзии, а также роль анафоры в поэтической речи,

которая является одним из лексических повторов. В частности, глубоко проанализированы стихи яркого представителя узбекской поэзии Икрома Отамурова.

Ключевые слова: узбекская поэзия, поэтические фигуры, поэзия Икрома Отамурова, художественные повторы, анафора, эллипсис, молчание, инверсия, эпифора

SOME ASPECTS OF THE POETIC SYNTAX OF IKRAM OTAMUROD'S POEMS

Karimova Shakhnozakhon Karimovna

ESP Teacher of the Department of Foreign Languages in Natural Sciences

Bukhara State University

karimovashakhnoz@gmail.com

Тел: +998914412441

Abstract - The article focuses on the elements of poetic syntax in modern Uzbek poetry - reinforcing and reducing figures. This article discusses the role of artistic repetitions in the structure of poetry, their role in increasing the musicality and charm of poetry, as well as the role of anaphora in poetic speech, which is one of the lexical repetitions. In particular, the poems of Ikrom Otamurod, a brilliant representative of Uzbek poetry, have been analyzed in depth.

Key words: Uzbek poetry, poetic figures, poetry of Ikrom Otamurod, artistic repetitions, anaphora, ellipsis, silence, inversion, epiphora

Маълумки, поэтик синтаксис унсурлари кучайтирувчи ва пасайтирувчи фигуранардан иборат. Замонавий ўзбек шоирлари ижодида унинг деярли барча кўринишлари қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Поэтик фигуранар, худди кўчилардек, бадиий нуткни белгиловчи воситалар эмас, у аслида, инсон рухиятининг узига хослиги ва жонли тил табиатидан табиий равища келиб чикадиган ходисалардир.[1,427]

Шеър тузилишида бадиий такрорларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бадиий такрорлар шеърнинг мусиқавийлигини ва жозибасини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Бадиий такрорлар 4 хил: лексик, фонетик, морфологик ва синтактик такрорлар кўринишида бўлади. Мазкур мақолада лексик такрорлар сирасига кирадиган анафоранинг шеърий нутқдаги вазифаларини кўриб таҳлил қиласиз.

Анафора юнонча "anaphor", "юқорига кўтарилиш" деган маънони билдиради. Бунда бир хил сўз ёки сўз биримаси шеър мисралари бошида айнан бир хил тарзда такрорланиб келади. Буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуиидаги мисраларида анафоранинг ёрқин намунаси кўринади:

Қайси бир озорин айтай жононима ағёринг,

Қайси бир оғритганин қўнглимни дей дилдоринг

Шунингдек, шоир Ўйуннинг ушбу шеърида анафорани кўришимиз мумкин:

На кўкнинг фонари ўчмасдан,

На юлдуз сайд этуб, кўчмасдан,

На уфқ, ўрамай ёқут-зар,

На булут силкитмай олтин пар,

Тонг кулмасдан бурун турарди.

Шеърий парчадаги тагига чизилган сўзлар қатъий тизим асосида (мисраларнинг бошида ва айнан) такрорланиб келмоқда. Шу сабабли “на” сўз такрори анафора вазифасини ўтамоқда.[1,435] Хусусан, анафора, эллипсис, сукут, инверсия, эпифора сингарилар поэтик фикрни таъсирчан ифодалашда муҳим ўрин тутади. Мулоҳазаларимизни Икром Отамурод шеърлари мисолида асослашга ҳаракат қиласиз.

Анафора такрор қўринишларидан бири сифати поэтик синтаксиснинг кучайтирувчи фигуralарига киради. Чунки бу унсур шеъриятда поэтик мазмунни кучайтиришга, таъкидлашга хизмат қиласиди. И.Отамурод ижодида анафоранинг яхши намуналари мавжуд:

Узоқ бир умр, ўзингни алдаб яшамоқ оғир,

Узоқ бир умр ростни яшириб яшаш оғир.

Узоқ бир умр ўзингдан йироқ яшаш оғир

Узоқ бир умр....[2,17]

Бу сатрларда “узоқ бир умр” бирикмаси ҳар бир мисра бошида такрор келган. Ҳаёт ва унинг мазмуни акс этган бу мисраларда анафора таъкидни билдириб келади. Яъни инсон “узоқ бир умр” – умри давомида ўзини алдаб, ростни яшириб, ўзликни унутиб яшashi қийин.

Сен – элатсан, сен – халқсан,

Сен – миллатсан, сен – ватан

Руҳида хурлиқ балқан

Соҳибназарсан, зотан.

Сен – ғуурсан, сен – қадр,

Сен – номуссан, сен – орсан.

Ботининг нурга адр,

Зоҳиринг нурга ёрсан.

Сен – хотирсан, сен – қадим,

Сен – бугунсан, сен – эрта.

Сен – узук, юлуқ одим –

Йўллар чизган харита

Сен армонсан, сен – умид,

Сен ўзликсан, сен – ўзсан.

Сен – англаш деган вужуд

Англаган улуғ сўзсан[2,84]

Ватан мавзусидаги юқоридаги сатрларда бир вақтнинг ўзида поэтик синтаксиснинг иккита унсури қўлланган. 1. Анафора. Мисра бошида айнан такрорланиб келган “сен” сўзи Ватанни ифодалаб келади. Қолаверса, шоир бунда анафора қўллашда янгилик олиб кирган. Чунки “сен” сўзи нафақат ҳар бир мисра бошида, балки ҳар бир мисра ўртасида ҳам такрорланиб, таъкидни кучайтирган. 2. Эллипсис. Бунда эга ва от кесимдан (сен – элатсан, сен – халқсан, сен – миллатсан, сен – ватан сен – ғуурсан, сен – қадр, сен – номуссан, сен – орсан) иборат сатрларда фикрни ихчам ва таъсирчан беришга эришилган. От-кесим бўлиб келган ҳам бир сўз Ватан деган улуғ туйгунинг мазмунини очиб беради.

Ой кезади кўкда керилиб,

Ой нитоҳи ерга қадалар.

Ой қүшиқ куйлар берилиб,
Қүшиқдирки, тунни парчалар.
Ой кезади күкда керилиб,
Ой нигоҳи денгизда – сузар.
Денгиз секингина чайқалиб
Унга тўлқин рақсипни чизар[3,12]

Эътибор берилса, бунда "ой" сўзининг мисра бошидаги такрори иккига банддаги 5 та мисрада кузатилади. Пейзаж лирикаси намунаси бўлган бу сатрларда ойнинг тунда осмонга чиқиши ҳолати поэтик ифода этилган. Бунда ташхис – ойнинг күкда керилиб кезиши, нигоҳининг ерга қадалиши, берилиб қўшиқ куйлаши сингари ҳолатларда ўзи аксини топган. Ойнинг қоронғу тунни ёритиши эса парчаламоқ феъли орқали ифода этилган. Кейинги бандда ҳам шу фикр давом эттирилади: бунда тамсил қўлланган. Маълумки, ойнинг акси сувда кўринади. Мазкур ҳаётгий ҳолат ойнинг денгизда сузиши орқали берилган. Демак, "ой" сўзининг анафора бўлиб келиши табиатнинг гўзал манзарасини таъсирчан тасвирашга кўмак берган. Қолаверса, ҳаётгий ҳодиса – манзара бадиий образларга кўчган.

Бир дентиз бор
кўзлардай теран.
Бир тоғ бор
елкалардай буюк.
Бир кенглик бор
юракдай сарҳадсиз.
Бир инсон бор
дентизни,
тоғни,
кенгликни
юраг кўтариб.
У – сен!
У – мен![3,38]

Бу сатрлар фалсафий мазмун ташийди. Инсоннинг кимлигини анлатиш мақсадида шоир анафорани ўзига хос ноанъанавий шаклда қўлланган. Яъни тоқ мисрлар бошида "бир" сўзи такрорланган. Ташбех билан зийнатланган бу шеърда фикрлар аввал сочиб ташланган. Бу мумтоз адабиётда лафф дейилади. Кўзлардай теран дентиз, елкалардай буюк тоғ, юракдай сарҳадсиз кенглик – инсондир. Сўнгти сатрларда эса сочилиган фикрларни бир жойга йиғади: дентиз, тоғ, кенгликни кўтариб юрадиган сен ва мен – инсондир. Бу мумтоз шеъриятда нашр дейилади.

Шоир ижодида анафоранинг янги кўринишлари ҳам мавжуд:

Юрагимда армон-армон
бўлиб-бўлиб ётар ғам.
Юрагимда хирмон-хирмон
тўлиб-тўлиб ётар ғам.
Юрагимда уммон-уммон
қалқиб-қалқиб ётар ғам.
Юрагимда тумон-тумон

ҳалқиб-ҳалқиб ётар ғам[4,11]

Эътибор берилса, лирик қаҳрамоннинг маҳзун кайфияти шу усул орқали таъсиричан ифода этилган. Жумладаң, тоқ мисралар бошида такрорланган "юрагимда" сўзи таъкидни кучайтирган. Гамтилил ҳолатлари эса от-такрорлар: армон-армон, хирмон-хирмон, уммон-уммон, тумон-тумон; феъл такрорлар: хирмон-хирмон тўлиб-тўлиб қалқиб-қалқиб ҳалқиб-ҳалқиб сингарилар орқали ўзига хос тадрижийликада акс эттирилган.

Яфроғдек сўлди умиқ,

Ғам ютиб тўлди умиқ.

Кун кўрмай ўлди умиқ,

Сен энди олисадасан,

Мен энди олисадаман[4,16]

Бунда поэтик такрорнинг эпифора кўриниши қўлланган. "Умиқ" сўзи ҳар бир мисра охирида такрорланиб, лирик қаҳрамон – ошиқнинг севиклисидан йироқдаги изтиробли кечинмаларини тасвирилашга йўл очган.

Канглум, яна сенга бақамти келдим,

канглум, яна мендан кутдинг ҳидоя.

Канглум, юрган йўлларим сен сори елди,

канглум, турган бекатларинг менда ниҳоя.

Канглум, яна сенга қилдим тавалло,

канглум, яна менга термулдинг сузор.

"Кангул" фақатгина И.Отамурод шеъриятига, услубига хос сўз бўлиб, кўнгилнинг фонетик ўзгарган шаклидир. Бунда "кангул" сўзи анафора бўлиши баробарида ундалма ҳам бўлиб келмоқда. Шоир кўнгилга мурожаат этиб, унга дардларини тўкиб солади.

Сен йўғ эдинг... Келдинг...

Йўл – соғинч... Вақт – соғинч...

Макон – соғинч... Сусамбии...

Кангул – соғинч... Ҳақ – соғинч...

Имкон – соғинч... Ў, танг дил...[4,35]

"Сен" достонидан олинган бу сатрларда эллипсис ва сукут баравар қўлланган. Деярли барча мисраларда бу кузатилади. "Сен йўғ эдинг... Келдинг..." мисрасида сукут бор. Лирик қаҳрамон – ошиқ севгилисини кутган дақиқалар акс этган. Даствабки кўп нуқта узоқ кутилганлик, кейинги кўп нуқта эса ниҳоят маъносини билдириб келади. Кейинги мисраларда "йўл", "вақт", "макон", "кангул", "ҳақ" сўzlари эга бўлиб, соғинч сари элтувчи манзиллар ҳисобланади. "Соғинч" сўзи эса от-кесим бўлиб келган. Бунда эллипсис поэтик мазмунни аниқ ифодалашга ва кучайтиришга хизмат қилиган. Ҳар бир эллипсисдан сўнг сукут, яни кўп нуқта келган. Бу ошиқдаги соғинч ҳисларининг чексизлигини билдириб келади. Қолаверса, Сусамбии – мўл-кўлчилик рамзи бўлган афсонавий ўлкани англатади. Унга етиш машаққатли бўлганидай, муҳаббатга эришиш ҳам шундай қийин, демоқчи шоир.

Юқорида таҳлил этганимиз Икром Отамурод шеърларида поэтик синтаксиснинг анафора, эпифора, сукут ва эллипсис сингари унсурлари муваффақиятли қўлланган. Анафора ҳар бир мисра бошида, балки ҳар бир мисра ўртасида ҳам такрорланиб, таъкидни кучайтириб келган. Шу билан бирга мумтоз шеъриятидаги лафф ва нашр

санъатини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилган. Қолаверса, мисраларо тақороланган от-тақорлар ва феъл тақорлар лирик қаҳрамонининг руҳий ҳолатини ифода этган. Шу билан бирга, эллипсис ва сукут ёнма-ён қўлланган. Эллипсис воситасида поэтик фикрни ихчам акс эттиришига эришилган бўлса, сукут орқали лирик қаҳрамон ҳисларининг чекизлиги, чегара билмаслиги ифодаланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев Т. Адабиётчинослик асослари.-Т.: Ўзбекистон.-Б.427;434;435
2. Отамурод И. Хариттага тушмагаи жой. Шеърлар ва достонлар. –Т.: Шарқ, 2011. – Б.17;84
3. Отамурод И. Вақт ранглари. Шеърлар. –Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. –Б. 12;38
4. Отамурод И. Сен. Шеърлар ва достон. –Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. –Б.11;16;35
5. Karimova Shakhnozaxon Karimovna. (2021). ANAPHORA AS AN ESSENTIAL TYPE OF POETIC FIGURES. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 2(3), 67-68. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrd/article/view/366>
6. Каримова, Ш. (2021). Poetik sintaksis haqida. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 2(2). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1207

АНГЛИЯ СИЮСИЙ ОЛАМИДА QO'LLANILADIGAN BA'ZI BIR METAFORALAR TAHLILI

Tursunov Mirzo Makhmudovich

Buxoro davlat universiteti, ingliz tilshunosligi

kafedrasi katta o'qituvchisi, f.f.f.d. (PhD)

gmail: mirzobek.tursunov81@gmail.com Tel:+998914131221

Ahmedova Gulmira Oxunjon qizi

Buxoro Davlat Universiteti, magistratura talabasi

gmail: gulmiraahmedova72@gmail.com

Annotatsiya: Metafora nutqning ifodaviyligi va ta'sirchanligini oshirish uchun eng ko'p qo'llaniladigan tasviriylar ifoda vositalaridan biridir. Metafora bugungi kunda faqatgina stilistik vosita emas, balki tilshunoslikning boshqa sohalariga tegishli lisoniy belgi bo'lib hisoblanadi. Zamonaviy siyosiy dunyoda ham metafora nutq jozibadorligini oshiruvchi, ifodaviylikni ta'minlovchi, so'zlovchilarining e'tiborini tortishda, turli o'xshatishlar bilan ularning eslarida qolishni ta'minlovchi lingvistik kuch sanaladi. Metafora siyosatchilarining ko'makchisiga aylanib, ishontirish vositasi sifatida dunyo siyosiy arenasida keng qo'llanilmoqda. Ushbu maqolada ingliz siyosatchilarining nutqlarida ishlatalgan metaforalarning o'ziga xos xususiyatlari o'rGANilib, tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: til, nutq, tasviriylar vosita, trop, figura, metafora, konseptual metafora, ifodaviylik, ta'sirchanlik